

ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА АНИҚЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

Ж. Х. Козиходжаев,
“Ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти вазифасини бажарувчи,
юримдик фанлар номзоди, Фарғона Давлат университети

Аннотация:

Ушбу илмий мақолада одам савдоси жиноятини тергов қилиш жараёнида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар доираси батафсил ёритилган бўлиб, уларнинг ҳар бири назарий жиҳатдан алоҳида таҳлил қилинган. Тадқиқот натижаларига кўра, таҳлил этилган ҳолатлар тизими дастлабки ва суд тергови даврида исботлашнинг асосий предметлари сифатида тавсия этилган.

Калит сўзлар: далил, жинсий эксплуатация, исботлаш, мажбурий меҳнат, одам савдоси, процесс, суд, тергов, трансплантация, уюшган жиноятчилик, фоҳишабозлик, ҳарбий тўқнашув.

КИРИШ

Исботланиши лозим бўлган ҳолатларни тадқиқ этишга киришар эканмиз, олдимизга жиноят-процессуал жиҳатдан исботлаш предметини ва ундан келиб чиқадиган ҳамда тадқиқ этилаётган одам савдоси жинояти таркибининг тавсифи билан боғлиқ бўлган жиний-ҳуқуқий жиҳатларни чуқурроқ кўриб чиқиш вазифасини қўймаймиз. Шу билан бирга криминалистика фани, тергов ва суд амалиёти ютуқларини, шунингдек биз амалга оширган тадқиқотлар натижаларини инobatга олган ҳолда, жиноят процесси ва ҳуқуқининг бизга мазкур иш натижаларини энг аниқ ёритишимизни таъминлашга ёрдам берадиган жиҳатларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Бизнингча, тадқиқ этилаётган жиноятни тергов қилиш жараёнида исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг қуйидаги доирасини таклиф этамиз:

- одам савдоси жиноятининг ҳодисаси (унинг содир этилиш жойи вақти ва усули) ҳамда жиний тажовуз предмети;
- одам савдоси жиноятини содир этган шахснинг айбдорлиги ва бошқа шахсларнинг ушбу жиноятга дахлдорлиги;
- одам савдоси жиноятининг (тоифаси) тури, унинг квалификация қилишга таъсири;
- одам савдоси содир этиш имкониятини белгиловчи оралик ҳолатлар;
- одам савдоси жиноятининг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Юқорида келтирилган дастлабки икки ҳолат тадқиқ этилаётган муаммонинг жиний-ҳуқуқий жиҳатларини қамраб олади, яъни: биринчи ҳолатнинг аниқланиши одам савдоси таркибининг объекти ва объектив томони, иккинчи ҳолатнинг аниқланиши эса субъекти ва субъектив томонининг бор-йўқлиги ҳақидаги масалани ҳал этиш учун катта аҳамият

касб этади. Бинобарин, мазкур ҳолатларнинг исботланиши умуман одам савдоси таркибининг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлашда ёрдам беради.

Мазкур ҳолатларни батафсил тадқиқ этишдан аввал, кейинчалик айрим терминлар ва қоидаларни изоҳлашга чалғимаслик учун, одам савдосининг тушунчаси ва моҳияти ҳақидаги масалани қисқача кўриб чиқишимиз зарур.

Ўзбекистон республикаси қонунида, жинойт қонунчилигида ва халқаро ҳужжатларда анча вақтдан буён «одам савдоси» тушунчаси қўлланилади. Гарчи қонунда ушбу тушунчага аниқ таъриф берилмаса-да, жинойт ҳукуки назариясида ушбу тушунчага тааллуқли асосланган қоидалар ишлаб чиқилган.

Жумладан, А.Репискаяннинг фикрига кўра, одам савдоси деганда, шахсни сотиб олиш ёки унга қарши қаратилган бошқа қонунга хилоф битимларни, шунингдек, шахсни қўлга киритиш ва ундан даромад олиш учун фойдаланиш ва назорат остига олишни ёки ҳар қандай шаклда эксплуатация қилиш мақсади ва айрибошлашни[1] тушунилади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25- сонли резолюцияси билан қабул қилинган «**Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши кураш тўғрисида**»ги Конвенцияда (мазкур халқаро ҳужжат Ўзбекистон Республикаси томонидан (2001 йил 28 июнда ратификация қилинган) эса одам савдоси тушунчасига қуйидагича таъриф берилган. Одам савдоси – одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш, ташиш, бериш, яшириш ёки одамларни кўрқитиш асосида куч билан бошқа воситаларни қўллаш орқали ёки бошқа мажбурлов воситалари, ўғирлик, товламачилик, алдов, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ёхуд мансаб мавқеидан фойдаланиб, сотиб олиш йўли билан қўлга киритишни англатади[2].

Одамлар савдоси – бу алоҳида шахсни (ёки гуруҳни) ёллаш, уларни бир давлат чегараси доирасида ёки чегарасидан ташқарига олиб кетиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракат ёки мақсадлар бўлиб, у ўз ичига сотиш, сотиб олиш, топшириш, бундай ҳаракатларни фойда кўриш ёки шунчаки бундай шахсни кейинчалик алдаб ёки мажбурлаб (зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб), шунингдек, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ишлатиш мақсадида ушлаб туришни, шунингдек, шахсни ҳоҳишига қарши ҳолда қулчилик шароитида ҳақ тўлаш ёки тўламаслигидан қатъи назар ушлаб туриш тушунилади[3].

Одам савдоси халқаро ҳамжамият томонидан инсон, оила ва жамият фаровонлигига хавф туғдирувчи акт сифатида баҳоланади[4].

Шу боис, Ўзбекистон республикаси Олий мажлиси томонидан 2008 йилнинг 18 мартда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида Одам савдоси тушунчаси берилган бўлиб, **одам савдоси** — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки

қулликка ўхшаш одатларни, эркисиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Бизнингча, одам савдосига берилган бундай таърифлар тўлиқ эмас, чунки ушбу ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатнинг мазмунига оид кўп қирралиликни қамраб олмаган. Бундан ташқари, юқорида келтирилган таърифларда фақатгина бу жиноятнинг айрим элементларини таъкидлаш билан қифояланган ҳолос. Ваҳоланки, одам савдоси тушунчасининг аниқ таърифланиши ушбу жиноятнинг моҳиятини англаш, уни тўғри квалификация қилиш, унинг айрим шакллари ўхшаш жиноятлардан фарқлаш учун катта аҳамиятга эга. Зеро, одам савдоси мавжуд жиноятларнинг мураккаб турларидан бири ҳисобланиб, интегратив хусусиятга эга. Чунки бу турдаги жиноят ўз таркибида бир неча жиноий хатти-ҳаракатларни қамраб олади. Шу боис одам савдоси жинояти ўта хавфли жиноятлар туркумига киради.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, «одам савдоси» тушунчасининг қуйидаги таърифини таклиф этамиз. **Одам савдоси — қонунда белгиланган муайян ёшга тўлган, ақли расо шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларидан келиб чиқадиган, инсонларнинг жисмоний, ақлий меҳнатидан ёки танасидан ноқонуний фойдаланиш мақсадида, уларни сотиш-олиш билан боғлиқ жазоланувчи амалий фаолиятидир.**

Бизнингча, ушбу таърифда одам савдоси жиноятининг мазмун моҳиятини очиб бериш ва унинг барча таркибий элементларини қамраб олишни уддаладик.

Бизнинг фикримизча, одам савдоси жиноятининг моҳияти келтирилган таъриф орқали тўлиқ тушунтирилди. Шуни инобатга олиш лозимки, барча ҳолларда инсон ўз эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматига путур етиши натижасида уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини йўқотмайди, аммо ноқонуний ҳаракат туфайли уларни ҳимоя этиш имкониятидан вақтинча маҳрум бўлади.

Энди мазкур ҳолатларни кўриб чиқишга ўтамыз.

Одам савдоси жиноят ҳодисаси — инсоннинг шахсий эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини қафолатловчи муносабатларга зид ноқонуний ҳаракатлар натижасида рўй берган ижтимоий ҳодисадир. Бу ҳаракатлар инсонни мажбурий жисмоний ёки ақлий меҳнатга жалб қилиш ва уни танасидан ҳар қандай кўринишга эга бўлган фойдаланишда ўз ифодасини топади.

Бизнингча, мазкур тушунчада одам савдоси жиноятининг турдош объекти ва объектив томони каби белгиларини акс эттирувчи ҳолатлар қамраб олинган. Тадқиқ этилаётган одам савдоси жиноятининг бевосита объекти инсоннинг шахсий эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини қафолатловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Қўшимча объект алоҳида квалификация қилинган таркибларда шахснинг ҳаёти ва соғлиғи дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Одам савдосининг бевосита объектини аниқ таърифлаш аввало жиноий тажовуз предметининг нимага мансублигига боғлиқ. Тадқиқ этилаётган одам савдоси жиноий тажовузининг предмети сифатида инсоннинг жисмоний ёки ақлий меҳнати ёхуд унинг тана аъзолари ҳисобланади.

Одам савдосининг бевосита объектлари жиноий тажовуз предметларининг мансублигига кўра икки гуруҳга ажратилади:

- 1) мажбурий меҳнат, унинг эвазига тўланадиган иш ҳақи, яъни пул эквиваленти;
- 2) ноқонуний фойдаланилган тана аъзолари (шаҳвоний эҳтиёж қондирилгани ёки тана аъзоларидан бири трансплантация қилингани учун тўланган маблағ, яъни пул эквиваленти.

Агар одам савдосининг содир этилиш усули аниқланмаган бўлса, жиноят ҳодисасини исботланган деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки жиноят механизмини, бинобарин далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнини айнан у белгилаб беради.

«Жиноят содир этиш усули, — деб ёзади Р.С. Белкин, — жиноятчи муайян кетма-кетликда содир этадиган ҳамда жиноий натижага олиб келадиган ҳаракатлар мажмуи»[5]. Бизнингча, ушбу тушунча биз кўриб чиқаётган муаммога нисбатан тўғри ва қўлласа бўладиган тушунчадир, чунки унда жиноятчининг ўз мақсадларини амалга оширишга қаратилган жиноий ҳаракатлари тизими намоён бўлади. Одам савдоси содир этилганида ушбу ҳаракатлар унга тайёргарлик кўриш пайтидан бошланади ва пировард жиноий натижа рўй бериши, яъни шахс мажбурий меҳнатга жалб қилиниши ёки унинг танасидан ҳар қандай кўринишда ноқонуний фойдаланиш билан якунланади.

Юқорида баён этилганлардан одам савдосини содир этиш усули жиноят таркибининг объектив томонига нисбатан конструктив хусусиятга эга ва унинг таркибий қисми ҳисобланади деган хулоса чиқариш мумкин.

Одам савдоси усулини аниқлаш уни тўлиқ ва ҳар томонлама тергов қилишнинг муқаррар шартидир. Одам савдосини содир этиш усули ҳақидаги ахборот қуйидаги ҳолларда олиниши мумкин:

- а) Одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни жисмоний куч ишлатиш, руҳий таъсир кўрсатиш, алдаш, фирибгарлик қилиш йўли билан ўғирлаш;
- б) Ўғирланган ёхуд алданган одамларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш;
- в) Шахснинг моддий қийин аҳволга тушиб қолганидан фойдаланган ҳолда уни моддий манфаатдор қилиш йўли билан ўзига оғдириб олиш;
- г) Одам савдосига қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ҳокимият ваколатини суистеъмол қилиш;
- д) Одам савдосини амалга ошириш учун фоҳишалардан фойдаланиш;
- е) Болалар ва аёллардан одам савдосида фойдаланиш учун уларнинг яқинларини (ота-онаси, ҳомий ёки васийлари, эри ёхуд хотини ёки бошқа яқин қариндошларини пул эвазига оғдириб олиш);
- ж) Инсон органлари ёки тўқималарини ажратиб олиш;
- з) Инсонни эрксиз ёки қуллик ҳолатига туширадиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш тушунилади.

и) Одам савдоси содир этувчиларнинг жиноий йўл билан орттирилган моддий бойликларни яширишга қаратилган ҳаракатларини аниқлаш (махсус хуфия жойларни топиш, пул омонатларини, қимматбаҳо автомобил ва зеб-зийнат буюмларининг харид қилиниш манбаларини, уларнинг яқин қариндошлари номига расмийлаштирилган уй-жойлар ва дала ҳовлилар куришни).

Мазкур омиллар мажмуини аниқлаш одам савдоси содир этиш усули ҳақидаги масалани

чуқур ўрганишга имкон беради.

Одам савдосининг жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан юқорида қайд этилган усуллариға кўра, унинг қуйидаги шакллари кузатилади:

- **Мажбурий меҳнат** (мамлакатимиз фуқаролари мажбурий меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун асосан Қозоғистон ва Россияға олиб чиқиб кетилмоқда[6]);

- **Куллик** (1956 йилги Кулчиликни, кулларни сотиш ва кулчиликка ўхшаш одатлар ва институтларни тугатиш тўғрисидаги қўшимча конвенцияда баён этилишича, кул савдоси бошқа бир шахсни кулга айлантириш, унга суиқасд уюштириш ва бундай хатти-ҳаракатларни содир этишда шерик бўлиш, эрксиз ҳолдаги шахсларни майиб-мажруҳ этиш ва уларға тамға босишни ўз ичига олади[7]);

- **Фоҳишабозлик** (Ўзбекистон фуқаролари фоҳишалик учун асосан БАА, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика олиб чиқиб кетилмоқда[8]);

- **Мажбурий донорлик;**

- **Ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш** ва ҳ.к.

Одам савдосининг асосий ва энг хавфли шакллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Жинсий эксплуатация объекти сифатида аёллар савдоси;
2. Жинсий эксплуатация объекти сифатида болалар савдоси;
3. Мажбурий меҳнатнинг объекти сифатида одам савдоси;
4. Одамнинг табиий органларини ажратиб олиш (трансплантация) мақсадларида одам савдоси.

Айнан шулар одам савдоси жиноятининг бевосита объектини шакллантиради. Бу шаклларнинг барчаси ижтимоий жиҳатдан хавфли, криминалистик жиҳатдан эса очилиши ва тергов қилиниши энг қийинлари ҳисобланади. Шу боис дастлабки тергов ва суд мажлиси жараёнида асосий эътиборни бевосита объект билан боғлиқ қуйидаги ҳолатларни аниқлашга қаратишни таклиф этамиз.

Одам савдоси жиноятининг қурбони ким, унга нисбатан қачон, қаерда ва жиноятнинг қайси тури содир этилган, жабрланувчи ва жиноят содир этган шахслар ўртасидаги ўзаро муносабат, жабрланувчига етказилган зарарнинг тури (жисмоний, моддий ёки маънавий) ва унинг ҳажми, жиноий хатти-ҳаракат туфайли вужудга келган оғир оқибатлар ва уларнинг кўриниши, жабрланувчининг турли даражадаги тан жароҳатлари олиши, яъни майиб-мажруҳ бўлиши, иш қобилиятини йўқотиши, таносил ёки ОИТС хасталигига дучор бўлиши, ўлим юзага келиши кабилардир.

Бир гуруҳ шахслар олдиндан тил бириктириб, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан содир этилган одам савдоси ҳоллари тергов учун ўта мараккаб ҳисобланади. Ишнинг мураккаблиги шундаки, жиноий гуруҳ жипслиги, барқарорлиги ва уюшганлиги, ҳамда уларнинг аксарияти эса трансмиллий кўринишга эга эканлиги билан ажралиб туради. Одатда бундай жиноий уюшма ўз фаолиятини узоқ вақтга мўлжаллаб давом эттиради. Шу муносабат билан одам савдосидан тушган моддий бойликларнинг бир қисмидан жиноий уюшманинг нормал фаолият кўрсатиши учун шароит яратишда фойдаланилади. Бу борада немис олими Лео Кайдель одам савдоси муаммосини чуқур

ўрганган ҳолда, у уюшган жиноятчиликнинг асосий фаолият турларидан бири ҳисобланиб, криминал фаолият иерархиясида бешинчи ўринни эгаллайди[9], деган фикрни билдиради.

Юридик адабиётда жиноят содир этиш жойи ва вақти исботлаш предметининг факультатив ҳолатларига киритилади, ҳолбуки улар жиноят ҳодисасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мазкур ҳолатлар биз жиноят ҳукуқи нуқтаи назаридан тадқиқ этаётган муаммода одам савдосининг квалификациясига бевосита таъсир кўрсатади (Ўз.Рес.ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми “з-банди”, яъни жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан олиб ўтган ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда). Шу билан бир қаторда вақт ва макон бирлиги улар содир этган одам савдосининг у ёки бу фактлари ишончли эканлиги ҳақида маълумот олишда ёрдам беради.

Одам савдоси содир этган ҳамда унга алоқадор шахсларнинг айбдорлигига доир ҳолатларни тадқиқ этишда биз қуйидаги саволларга жавоб олишимиз керак:

одам савдоси кимлар томондан содир этилган?

одам савдосига алоқадор шахслар сони қанча?

содир этилган одам савдосида ҳар бир алоқадор шахснинг роли қандай?

улардан ҳар бирининг айби аниқ нималардан иборат?

Бу саволларга жавобларни одам савдосининг субъекти ва субъектив томони билан боғлиқ муаммоларни ечими орқали олишга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқ этилаётган одам савдосининг субъектив томонини тўғри қасд, ундан оттирилган моддий бойликларни ўз фойдасига, шунингдек бу жиноятнинг бошқа иштирокчилари ва ўзга шахслар фойдасига айлантиришдан иборат ғараз мотивлар ташкил қилади. Бундай мотив одам савдоси жинояти таркибидаги субъектив томоннинг зарурий белгиси бўлиб, содир этувчи шахсларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, икки турга бўлинади:

1) жиноят субъектларнинг мулкӣ манфаатларидан келиб чиқадиган ғаразли мотив:

— одам савдоси жабрланувчиларининг жисмоний-ақлий меҳнати ва танасидан фойдаланиш эвазига катта фойда олишга интилиш;

— пул маблағлари ёки моддий бойликлар тўплашга уриниш;

2) одам савдоси содир этувчиларнинг шахсий манфаатларидан келиб чиқадиган ғаразли мотив:

— одам савдосидан орттирилган маблағлар эвазига турмуш шароитини яхшилашга ҳаракат қилиш (уй-жой, дала ҳовлилар қуриш, енгил автомобиллар, зеб-зийнат буюмлари сотиб олиш, маблағларни легаллаштириш орқали турли бизнесларни йўлга қўйиш ва ҳ.к.);

— ижтимоӣ мақомини яхшилашга уриниш, яъни жиноӣ йўл билан орттирилган маблағ эвазига юқори лавозимга эришиш.

Ақли расо, 16 ёшга тўлган, алоҳида белгиси бўлмаган ёки мансабдор шахс ваколатларини амалга оширадиган, жиноят қонунида назарда тутилган одам савдосини ғараз мақсадларда қасдан содир этган шахс бундай жиноятнинг субъекти ҳисобланади. Амалда бу каби одам савдосининг субъекти 16 ёшдан анча катта бўлади.

Субъект билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этганда одам савдосининг ҳар бир

иштирокчиси жиноятда қандай роль (ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи, ижрочи ва ҳамижрочи) бажарганлигини аниқлаш зарур; одам савдоси ташкилотчилари ва уларнинг иштирокчилари ҳақидаги маълумотлар (ижтимоий демографик, физиологик, психологик ва криминологик); ҳар бир иштирокчининг жиноят содир этилишидан аввалги ва кейинги турмуш тарзи; содир этувчилар жиноий фаолият давомида тўплаган мулк ва бойликлар ҳақидаги маълумотлар, бундай моддий қимматликлар кимнинг тасарруфида эканлиги, жиноят содир этувчиларнинг ушбу шахслар билан қариндошлик ва бошқа алоқалари; шунингдек одам савдоси содир этувчиларнинг айбини енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар (Ўз.Рес. ЖК 55, 56-м.). Айнан ушбу ҳолатларнинг аниқланиши одам савдоси содир этувчиларнинг айбдорлик масаласини ҳал қилиш учун катта аҳамиятга эга.

Қонун чиқарувчи орган, гарчи жиноий жавобгарликни одам савдоси жиноятининг оддий ва мураккаб турларига кўра фарқласада, бироқ жиноят кодексининг 135-моддаси диспозициясида содир этилган хатти-ҳаракат туфайли келтирилган моддий зарар тўғрисида ҳеч қандай тушунча бермаган. Ваҳоланки, одам савдоси жинояти мажбурий меҳнатга жалб этиш мақсадида содир этилганда жабрланувчига турли ҳажмдаги моддий зарар етказилади. Чунки, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш...меҳнат шартномаларида белгиланган иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга эканлиги асосий қонунда белгилаб қўйилган. Бизнинг фикримизча, вужудга келган моддий зарарнинг ҳажм кўрсатигичи ушбу турдаги одам савдоси жиноятининг асосий белгиларидан бири сифатида модда диспозициясида кўрсатилиши, унинг бу турини фарқлаш эса айнан юзага келган моддий зарарнинг ҳажми бўйича квалификация қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Биз кўриб чиқаётган муаммо нуктаи назаридан, юзага келган зарар ҳажмини аниқлаш масаласи жуда қийин ҳисобланади, чунки ҳар хил — иш турлари, меҳнат шароитлари ва тўланадиган иш ҳақлари мавжуд. Бу муаммоларни ечими махсус билимга эга бўлган мутахассислар хизматидан фойдаланиш, яъни “иш қобиляти йўқотилишининг ҳажмини белгилаш экспертизаси[10]” орқали ҳал этилади.

Шу боис моддий зарар ҳажми билан боғлиқ ҳолатларни аниқлашда жиноят кодексида белгиланган анча миқдордаги, кўп миқдордаги ва жуда кўп миқдордаги кўрсаткичлар назарда тутилиши керак.

Мазкур жиноятни тергов қилиш етарлича тўлиқ бўлиши учун оралиқ ҳолатларни аниқлаш катта аҳамиятга эга, чунки айнан улар одам савдоси жиноятини содир этиш имкониятини белгилаб беради. Бундай ҳолатларга қуйидагилар киради:

- жабрланувчиларнинг ҳуқуқий маданияти ривожланмагани;
- уларнинг ҳуқуқий онгини пастлиги;
- жабрланувчиларнинг мумай пул топиш илинжида бўлиши;
- ўз хоши иродаларига кўра жабрланувчиларнинг жиноят қурбонларига айланиши;
- сохта ҳужжатларга асосан жабрланувчиларни ташқи миграция қилиниши;

жабрланувчиларнинг ташқи миграция қилинган манзили аниқ эмаслиги;

- ташқи миграция қилинган жабрланувчиларнинг манзили аниқ эмаслиги ёки уларнинг бедарак йўқолганлиги ҳақида ариза ва шикоятлар мавжудлиги

Бундай оралиқ ҳолатларнинг аниқланиши тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, сўнгра

эса жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиши мумкин.

ХУЛОСА

Одам савдосининг содир этилишига имкон берган ҳолатлар ҳақидаги масала амалиёт учун ҳам, назария учун ҳам муҳимдир. Одам савдоси содир этувчи жиноий гуруҳларининг кейинги фаолиятини тўхтатиш ва бундай жиноятларнинг олдини олиш мазкур ҳолатларнинг ўз вақтида бартараф этилишига боғлиқ.

Одам савдосининг содир этилишига имкон берган ҳолатларга ҳам объектив, ҳам субъектив шарт-шароитлар киради.

Биринчисини қуйидагилар ташкил этади:

—ташки миграция ҳудудларида ёлланма ишчи кучига, фоҳишалар хизматига ва инсон танасининг айрим органларига бўлган эҳтиёжнинг юқори даражада эканлиги;

— миграция ҳудуднинг зарур ишчи кучи билан бошқа минтақаларга нисбатан яхши таъминланмаганлиги;

миграция ҳудудларида ишчи кучига талабнинг таклифдан ортиқлик даражаси.

Иккинчисига қуйидагилар киради:

— миграция қилинган шахсларнинг ўз вақтида рўйхатга олмаслик ёки уларни рўйхатга олишда йўл қўйилган камчиликлар;

— миграция масалалари билан шуғулланувчи мансабдор шахсларнинг фаолиятидаги камчиликлар;

— миграция қилинган шахслар яшаган ҳудудларда бандлик муаммоларини ҳал қилишда йўл қўйилган камчиликлар;

— миграция ва бандлик масалаларини ҳал қилувчи муассасаларда аудит текширувлар ўтказилишини ташкил қилишда йўл қўйилган камчиликлар, уларни ўз вақтида ўтказмаслик, ушбу ҳолларда ваколатсиз (билимсиз) ходимларни юбориш ва ш.к.

— миграция хизмати, ички ишлар идораларининг профилактика ходимлари ва маҳалла фуқаролар йиғини оқсақоллари томонидан аҳоли ўртасида ноқонуний миграциянинг олдини олиш ишларини сушт олиб борилиши;

— чегара ва божхона масканларида ноқонуний миграция қилинаётган шахсларни етарли даражада нозорат қилмаслик;

— чегара ва божхона масканларида миграция қилинаётганларни хорижга чиқиш ва кириш рухсатномаларини ва шахсий ҳужжатларини етарли даражада текширмаслик ёки текширишга мосланган махсус техник воситалар билан жиҳозланмаганлик;

— одам савдоси содир этувчи жиноий гуруҳ аъзоларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари билан қўшилиб кетиши ва ҳоказолар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Реписка А. Классификация криминальной эксплуатации людей и проблемы уголовной ответственности за нее // Товговля людьмы. Социокриминологический анализ // Под общ. Ред. Тюрюкановой Е.В. и Ерохиной Л.Д. : М., 2002. стр. 87.

2. Sally W/ Stoeker. The Rise in Human Trafficking and the Role of Organized Crime // Demokratizatsiya. Vol. 8, No 1. Winter 2000.

3. Долголенко Т. Уголовная ответственность за торговлю людьми. Уголовное право. 2004. - № 2. – С.23-.
4. «Одамлар савдоси ва фоҳишабозликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида Конвенция». Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. Т. «Адолат». 2004. Б-227
5. Теория доказательств в Советском уголовном процессе. – М., 1973. –С.169.
6. Қодиров Р.Ҳ. Одам савдоси – умумжаҳон микёсдаги муаммо, «Ҳуқуқ ва бурч», № 10, 2008, 3-б
7. Лукашук И.И. , Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари(дарслик)., Адолат, 2006, 290-б
8. Жўраев Э. Инсон ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида. «Ҳуқуқ ва бурч», № 8-9, 2008, 19-б
9. Leo Keide/ Menschendel als Phenomen Organisierter Kriminalidt/ Kriminalistik. No/ 5, p.325
10. Қозиходжаев Ж. Х., Ибрагимов М. О. Жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш. Ўқув-амалий қўлланма – Н.: Наманган давлат университети, 2013. – 55-57 б.
11. Karimova, G. (2022). CORRUPTION: ITS HISTORICAL ROOTS AND WAYS TO COMBAT IT. Research Focus, 1(4), 267-272.
12. Каримова, Г. Й. (2021). АХЛОҚ-МАЎНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАФКУРАВИЙ УСУЛИ СИФАТИДА. Экономика и социум, (6-1 (85)), 707-710.
13. Каримова, Г. (2022). МАЎНАВИЯТ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ. Экономика и социум, (3-2 (94)), 612-615.
14. Khomidovich, B. A. (2023). DEVELOPMENT OF PRIVATE PROPERTY AND BUSINESS. World Bulletin of Management and Law, 18, 105-107.
15. Baratov, M., & Borotov, A. (2021). METHODS AND RESOURCES OF REALIZING THE RIGHT OF PRIVATE PROPERTY OR THE RIGHT TO USE THE LAND AS AN ELEMENT OF PRIVATE PROPERTY. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.4 Legal sciences).
16. Боротов, А. Х. (2021). ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ: DE YURE/DE FACTO. ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, 6(5).
17. Kozixodjaev, J. X. (2023). OLIY TA'LIM TIZIMIDA TA'LIM BILAN TARBIYANING MUTANOSIBLIGINI TA'MINLASH BORASIDAGI MUAMMOLAR. INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022, 2(18), 19-23.